

Ислом олами цивилизация чўккисига чиккан бир пайтда, Оврўпа хали умумий шифохоналар маъносини билмасди. Агар ўн саккизинчи асргача касаллар уйларида ёки махсус ховличаларда даволанган, десак, муболага килмаган бўламиз. Чунки ўша пайтгача Оврўпа шифохоналари махсус ховлиларда жойлашган бўлиб, бу ховличалар касал, ожиз, уй-жойсиз кишиларга бошпана вазифасини ҳам ўтаган. Бу фикрга мазкур даврлардаги Оврўпа шифохоналарининг энг каттаси — Париждаги Отел Дею очик мисол бўлади. Уни тавсифлаб Макс Тордо ва Теннонлар шундай дейишган:

«Шифохонанинг заллари катта, аммо хаво кирадиган туйнуклар йўклиги сабабли сассик, жуда хам зах ва доим коронгу эди. Битта залда хар доим саккиз юз чоғли касал ерга узала тушар, хона торлик килганидан полда устма-уст бўлар даражада тикилиб кетарди. Каравотларнинг асосий кисми кўпкишилик бўлиб, битта жойда тўрт, беш, баъзан олтита касал, бирининг бошига иккинчиси оёғини килиб ётарди. Ёш болалар кекслар билан, аёллар эркаклар билан аралаш эди. «Ишонмаслигингиз мумкин, лекин бу сўзлар хакикат).

Йўлакда сил иситмасида ёниб, чангак бўлиб колган бола бошка бир касаллик билан огриган аёлнинг ёнида ётарди. Устига-устак уларнинг олдида териси касалланган киши тикилган. У кўчиб тушаётган терисини конли тирноклари билан кашир, ярасидан окаётган йиринглар тўшагини булгар эди.

Уларга бериладиган овкат хам энг сифатсиз нарсалар эди. Яна, жуда кам микдорда ва бетартиб бериларди...»

Мубашшир АХМАД таржимаси